ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ЎЗИГА ТЎҚ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА ЧЕКЛАНИШИ
(1925-1929 йиллар)

М Асқаров

Мақолада 1925-1929 йилларда Совет ҳукуматининг ер-сув ислоҳоти баҳонасида кўпгина мулкдор хўжаликларни қатағон қилиб, хонавайрон этишдек мудҳиш сиёсати ва унинг оқибатида юз берган салбий ҳолатлар архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *хўжалик, қулоқ, чорикор, қишлоқ, ер-сув ислоҳоти, деҳқон, десятина.*

В статье освещена репрессивная политика Советского правительства, направленная на разорение и последующее уничтожение зажиточных дехкан как класса в период земельно-водной реформы 1925-1929 гг. и её негативные последствия.

Ключевые слова*: хозяйство, кулачество, батрак, кишлак, земельно-водная реформа, дехканин, десятина.*

This article analyzes the history of the years 1925-1929 releted reform of land and water on the basis of archival documents. Also, the negative aspects of consecrated land and water reforms that have resulted in the destruction of well-off households.

Key words: *agriculture, kulak, village land-water, peasantry, desatin.*

1925-1929 йиллардаги ер ислоҳоти, хусусан, 1925-1926 йилларда Фарғона водийсидаги ислоҳот моҳиятан ёппасига коллективлаштириш давридаги “қулоқ қилиш” амалиётини маълум даражада бошлаб берган эди. Ислоҳот жараёнида коллективлаштириш давридагидек шахсий адоват, куч ишлатиш каби ҳолларга йўл қўйилди. Бунда совет ҳокимиятининг шу йиллардаги барча органлари учун хос «инқилобий-бюрократик» тафаккур мантиғига мувофиқ миқдорий кўрсаткичлар ортидан қувиш, тугатиладиган хўжаликлар рўйхатига иложи борича кўпроқ хўжаликларни киритишга интилиш авж олди. Масалан, агар дастлаб 1925 йилда Фарғона вилоятида 155 та хўжаликни тугатиш режалаштирилган бўлса, 1926 йилнинг 15 январига келиб тугатилган хўжаликлар 575 та, режадан 3,5 баравар ортиқ бўлди [1.460-461].

Ер-сув ислоҳотининг “синфий зарбаси” гўё йирик ер эгалигига қарши қаратилган бўлиб, ҳақиқатда у тамоман бошқача тус олди. Албатта, ислоҳот арафасида Ўзбекистонда йирик ер эгалиги мавжуд эди. Масалан, 1925 йил маълумотига кўра, Андижон уездида Сотиболди қозининг 800 десятина, Ургут туманида бир эшоннинг 250 десятина, Ўратепа волостида баъзи бир хўжаликларнинг 90 десятинадан 136 десятинагача ерлари бўлган. Аммо бундай катта ер эгалиги жуда оз бўлиб, большевиклар наздидаги «помешчик» хўжаликлар республикада йўқ, бу тоифага киритиш мумкин бўлган хўжаликлар 1918 йилдаёқ, асосан, тугатилган эди. 1925-1929 йиллардаги ислоҳотда ери тортиб олинган хўжаликлар ер участкалари ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар бўйича мутлақо помешчик хўжаликлари тоифасига киритилиши мумкин эмасди. Уларни шартли равишда (маҳаллий ўзига хосликни эътиборга олганда) кўпроқ “қулоқ” хўжаликлари билан қиёслаш мумкин эди. Чунки Чор Россиясида ўрта даражадаги помешчик хўжалиги қарийб 500 десятина, қулоқ хўжалиги эса 16-20 десятина ҳайдаладиган ерга эга эди. Ўрта Осиё минтақасида 10-15 десятина ери бўлган хўжалик (округига қараб) бой хўжалик деб саналган. Ўзбекистондаги ислоҳот ана шу бой деҳқонлар ёки қулоқ хўжаликларига қарши қаратилган эди. Республикадаги 1925-1929 йиллар ислоҳоти, моҳиятан, Россиядаги 1918-1919 йиллардаги қулоқларни экспроприация қилиш каби вазифани бажарди [2.79].

Ислоҳот даврида “қулоқ”, “қулоқ қилиш” атамалари кенг ишлатилди, қулоқларга нисбатан ўринсиз нафрат туйғуси ҳам шу даврдан юзага келди. “Қулоқ” (русча “кулак” – “муштум” сўзидан) сўзини ўзбеклар умуман қўлламаган, у сунъий равишда ўзбек тилига ҳам олиб кирилди. Россияда “инқилоб”дан аввал ижарахўрлик ва далоллик қилиб кун кўрувчи муттаҳам, виждонсиз қишлоқ олибсотарлари қулоқ деб аталган. Бунақалар рус қишлоқларида битта-яримта бўлар эди. Большевиклар 1917 йилдаёқ уларнинг эркин фаолиятига чек қўйдилар. Кейинчалик большевиклар бу сўзнинг асл маъносини ўзгартириб, зарурат туфайли ёлланма меҳнатдан фойдаланган деҳқонларни

ҳам қулоқ деб атай бошладилар. Қулоқ атамаси пуфлаб шиширилиб, 1925 йилга келганда хўжалиги, меҳнати ва шунчаки дунёқараши мустақил бўлган деҳқон борки, барчасига шу тамға ёпиштирилаверди. Бу маъно расмий тилга ҳам, адабиётларга ҳам кўчирилди. Жумладан, кенг оммага мўлжалланган қомусларда қулоқ сўзига шундай таъриф берилган: "қулоқлар – қишлоқ буржуазияси, қулоқлар – йирик ер эгалари, ижарачилар, қишлоқда батрак, камбағал деҳқонларни эксплуатация қилувчи қатлам. Ленин ибораси билан айтганда "энг ваҳший, энг ёввойи эксплуататор синф" [3.227]. "Қулоқлар капитализмга қадар товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида шаклланган ва ўз қўлларида катта ерларни тўпладилар. Деҳқонларнинг унча кўп бўлмаган қисмини ташкил қилган, бироқ энг кўп сонли капиталистик ер эгалари ва эксплуататорлар бўлган" [4.262-265]. "Қулоқлар улуғ октябрь инқилобини душманлик билан қарши олдилар. 1927 йилга келиб қулоқ хўжалиги 1 миллиондан ортиқ эди. Қулоқлар советлар ва колхозларга қарши агитация олиб борди, улар 1927-1928 йилларда ғаллани давлатга белгиланган нархларда сотишдан бош тортдилар" [5.265].

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотини Россиядаги ёппасига коллективлаштириш йилларидаги қулоқлаштириш сиёсатига қиёсласа бўлади. Ислоҳот давомида бир қатор хатоликлар ва зўравонликларга йўл қўйилди. Экспроприациянинг ноиқтисодий методларидан ҳам фойдаланилди. Ислоҳот даврида Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида жами 15198 та хўжалик тўла тугатилди. Улардан 594 таси "помешчик" кўринишидаги хўжалик, 1001 таси йирик савдогарлар, 13603 таси "қулоқ хўжалиги" деб аталди. Фарғона вилоятида тугатилган 365 "помешчик" хўжалигидан 24646 десятина ер мусодара қилинди. "Қулоқ хўжалиги" деб топилган 4412 хўжаликдан эса нормадан ортиқча деб ҳисобланган 28814 десятина ер тортиб олинди [6.98].

Тугатилган хўжаликлардан ер билан бир қаторда ишчи ҳайвонлари, асбоб-ускуналар ҳам тортиб олинди ёки арзон нархларда мажбуран сотиб олинди. Фарғона вилояти бўйича ислоҳот давомида тугатилган хўжаликлардан 2334 бош ишчи ҳайвон мусодара қилиниб, камбағал хўжаликларга тарқатилди. Тарқатилган иш ҳайвонларидан 1480 таси ҳўкиз, 801 таси от, 34 таси эшак ва 19 таси туя эди. Шунингдек, тўқ хўжаликлардан 1692 бош иш ҳайвони арзон нархларда сотиб олинди.

Ер-сув ислоҳоти бутун моҳияти билан ўзига тўқ, бақувват хўжаликларни чеклаш ва қишлоқда "синфий кураш"ни авж олдиришга қаратилган эди. Ислоҳотни ўтказиш пайтида ўйламай-нетмай ва ҳаддан ошиб чоралар кўрилди. Ислоҳот давомида қишлоқнинг бадавлат қатлами кескин қисқариб, деҳқон хўжаликларининг 1,4 фоизини ташкил этди [6.104]. Булар ҳам асосан 5-7 десятина ерга эга, лекин етарли даражада ишчи кучи, иш ҳайвони ва меҳнат қуроллари бўлмаган деҳқонлар эди.

Ислоҳот аввалида ўртаҳол деҳқонларга бирмунча эътибор берилди. Сабаби, улар ислоҳотни ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан кутиб олган, чунки ислоҳот натижасида ўзларининг чек ерларидан ажраб қолишдан чўчиган. Ҳолбуки, ўртаҳол деҳқонлар қишлоқда асосий куч бўлиб, ислоҳотнинг бориши ўртаҳол деҳқонлар қайси табақадан келиб чиққани ва қайси қатламларга қўшилишига боғлиқ эди. Шу сабабдан ҳам большевиклар ўртаҳол деҳқонларга устомонлик билан муносабатда бўлди. Ўртаҳолларнинг ижтимоий мансублиги эътиборга олиниб, большевиклар уларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди. Партия кўрсатмаларида "ўртаҳол деҳқонларга дўстона муносабатда бўлиш зарурлиги" таъкидланди. Ўртаҳол деҳқон "иқтисодиётни ривожлантиришда ва ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини амалга оширишда асосий, марказий фигура" деб танланди ва унинг манфаатига мос келувчи чоралар белгиланди. Хусусан, республика бўйича ердан фойдаланиш нормаси ўртача 4 десятина қилиб белгиланди, хўжаликда иккита отга эга бўлишга рухсат этилди [7.331].

Ислоҳот дастурида ўртаҳол деҳқонлар манфаатларини ижобий таъминлаб беришга доир аниқ йўл-йўриқ, кўрсатмалар бўлишига қарамай, уни ўтказишда ўртаҳол ва ҳатто камбағал деҳқонларнинг "қулоқ" ҳисобланиб, ерлари ва асбоб-ускуналари тортиб олинишига йўл қўйилди.

Ислоҳотнинг яққол ифодаланган синфий йўналиши, уни ўтказишда экстремистик тажрибага асосланиш қишлоқдаги сиёсий вазиятни жиддий равишда кескинлаштирди. Ҳар томондан таъқиб остига олинган бадавлат деҳқонлар ер комиссиясига қаршилик кўрсатишар, ер ва қишлоқ хўжалик асбобларини яширар, қўлларида қурол билан ислоҳотга қарши курашардилар. Қишлоқнинг бадавлат қатламлари ерларини ўз қўлларида олиб қолиш учун турли тадбирларни ишга солдилар. Чунончи, баъзи йирик ер эгалари ислоҳот бошланишидаёқ "нормадан ортиқча" ерларини кейинчалик қайтариб бериш шарти билан чорикорларга тақсимлаб бердилар.

1925-1927 йилларда қишлоқнинг ижтимоий тузилиши ва хусусиятига доир баҳслар кучайиб, "қулоқ"лар масаласи кун тартибида биринчи ўринга чиқди. "Кимни қулоқ деб ҳисоблаш лозим?", "Қу-

лоқ нимадан бошланади?” каби саволлар матбуотда ва сиёсий доираларда тез-тез тилга олина бошлади. Бу масала ВКП(б) XIII ва XIV съездларида ва марказқўмнинг 1924 йил октябрь пленумида ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Сиёсий бюро аъзоларидан Бухарин, Риков ва Томскийлар мунозараларда “қулоқ”ларни ҳимоя қилиб чиқдилар. Улар саноат учун маблағларни қисқартириб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва шу асосда саноатни тиклашни таклиф қилган эдилар. Бу ғоя ВКП(б) нинг XV сеъздида, РКП(б) XIV конференциясида, шунингдек, 1925 йил май ойида бўлиб ўтган Советларнинг Бутуниттифоқ III сеъздида қўллаб-қувватланди. Бироқ партконференция ва съезднинг бу масала бўйича қабул қилган қарорлари бажарилмади. Компартиядаги “сўл оғмачилар” – мухолифатчилар “қулоқлар хавфи” ҳақида бонг урдилар. Уларнинг мақола ва суҳбатларида қулоқлар шиддат билан ортиб бораётгани, бу “социализмга даҳшатли хавф солаётгани”, 1926 йилга келиб мамлакатда қулоқ хўжаликлари барча деҳқон хўжаликларининг 6-7, ҳатто 10-12 фоизига етгани таъкидланди [8.364]. Аслида “қулоқлар хавфи” бу қадар ваҳимали эмас эди. СССР Халқ Комиссарлари Советининг солиқ нормаларини ўрганувчи комиссияси маълумотларига кўра, 1925-1927 йилларда мамлакат бўйича “қулоқ” хўжаликлари 728 мингдан 896 мингтагача кўпайган, уларнинг умумий салмоғи 3,3 фоиздан 3,9 фоизга кўтарилган [8.365]. Бу янги иқтисодий сиёсат йилларидаги капиталистик товар ишлаб чиқариш хўжалигининг қишлоқдаги ижобий натижаси эди. “Қулоқ” хўжаликлари янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан маҳсулот тайёрлашда қолоқ асбоб-ускунлар билан бўлса-да юқори натижаларга эришаётган эдилар.

1927 йил декабрь ойида бўлиб ўтган ВКП(б) XV съездида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ғояси ўртага ташланди. Аксарият большевиклар фикрига кўра, катта жамоа хўжаликларигина социалистик қурилишда етакчи роль ўйнаши мумкин эди. Съездда коллективлаштириш ва қишлоқ аҳолисига нисбатан аниқ сиёсат юритиш бўйича қарорлар чиқарилмади. Съезд қарорларида фақатгина “йирик жамоа хўжаликларига ўтиш деҳқонларнинг хоҳиш ва ихтиёрига кўра амал қилинади” деб таъкидланган эди [9.299]. Қулоқлар масаласида съездда қабул қилинган қарорлар асосан эксплуататорлик имкониятларини изчил ва босқичма-босқич чеклаш ва қулоқларни иқтисодий усуллар билан йўқотишга қаратилган эди. Съезд қарорларида шаҳар ва қишлоқларда капиталистик элементларни “улар муттасил ривожланиш даражасида бўлсагина” чеклаш вазифаси қўйилди. Бу сиёсий тадбирни амалга оширишда маҳаллий партия раҳбарлари хаддан ошиб иш кўрдилар. “Қулоқ”ларни сиёсий жиҳатдан чеклаш уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишда намоён бўлди. Кўп ҳолларда қулоқ деҳқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

Андижон туманида яшовчи оқсоқол Тўхтахўжаев Мулла Йўлдош Андижон округ сайлов комиссиясига 1926 йил 4 мартда ёзган аризасида қуйидагиларни баён этган: «Мен Тўхтахўжаев Мулла Йўлдош 30 йиллик умумий меҳнат стажига эгаман. 11 таноб ерим бор. Аммо ёшим ўтиб қолгани, бу ерда якка ўзим ишлаш имконияти йўқлиги сабабли ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эдим. Ёлланма ишчи кучидан фойдаланган эксплуататор деган айблов билан мени сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Бу масалани адолат кўзи билан қараб, ижобий ҳал қилиб беришингизни сўрайман” [10.42].

Компартиянинг кооперациялар орқали юритган синфий сиёсати деҳқон хўжаликларини кредит билан таъминлаш масаласида ҳам намоён бўлди. Кооперациялар ўртаҳол ва нисбатан бадавлат деҳқон хўжаликларини кредит билан таъминлашда чеклаш сиёсатини қўллади. 1926-1927 йилларда “Узсельхозбанк”нинг 13621 аъзога эга бўлган 24 кредит уюшмаси кредитларни қуйидагича тақсимлаган: камбағал ва камқувват хўжаликларга барча кредит суммасининг 69,7 фоизи ва қарз суммасининг 73,9 фоизи берилган; ўртаҳол хўжаликларга мос равишда 29,3 ва 25,4 фоизи; “қулоқ” хўжаликларига 1,0 ва 0,7 фоизи берилган [11.51]. 1928-1929 йилларда ҳам қишлоқ хўжалигини кредитлашда синфий айирмачиликка қаттиқ риоя қилинди. Бу йилларда “қулоқ” хўжаликларига берилаётган қарзлар миқдори мамлакат бўйича 0,9 фоиздан 0,5 фоизгача қисқарди. “Қулоқ хўжаликлари” берилган кредитлар учун камбағал деҳқонларга нисбатан бир ярим баравар кўп фоиз тўлаганлар.

1928 йил 7 сентябрда СССР ХКСнинг “қишлоқ камбағалларига хўжалик ёрдами кўрсатиш тадбирлари тўғрисида”ги қарори чиқди. Бу қарорни амалга ошириш натижасида “қулоқ хўжаликлари”-га давлат ссудалари берилиши 42,4 фоиздан 24,9 фоизга қисқарди. Бу қулоқларни қишлоқ хўжалик кредити тизимидан сиқиб чиқаришда муҳим қадам бўлди.

“Қулоқ” хўжаликларига юкланган солиқлар ҳам муттасил ошиб борди. 1924-1925 хўжалик йилида “қулоқ хўжаликлари” жами қишлоқ хўжалик солиқларининг 17 фоизини тўлаган бўлсалар,

1925-1926 хўжалик йилида бу миқдор 21 фоизга кўтарилди [12.248].

ВКП(б) МКнинг 1926 йил апрель пленумида қабул қилинган «Хўжалик ҳолати ва хўжалик сиёсати ҳақида» қарорида “қулоқ хўжаликлари”дан олинадиган солиқ миқдорини тобора ошириб бориш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу қарорга кўра 8 фоиз “қулоқ хўжаликлари” барча қишлоқ хўжалик солиғи суммасининг 34 фоизини тўлаши лозим эди [12.249].

Солиқ сиёсатидаги бу номутаносибликлар сабабли кўплаб деҳқонлар солиқ ва бошқа маъмурий мажбуриятларни бажара олмай, хўжалик юритишни тўхтата бошладилар. Буни улар камбағаллар тоифасига ўтиш учун қилишар эди. Улар камбағаллар тоифасида осон бўлади деб ҳисоблардилар.

Хуллас, “қулоқ хўжаликлари”ни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чеклаш ва турли йўллар билан сиқувга олиш йилдан-йилга кучайиб борди. Қулоқларга оладиган даромадлари учунгина эмас, уй-жойи ва чорва ҳайвонларига ҳам катта миқдорда солиқ солинди. ЎзКП(б)нинг 1927 йил ноябрь ойида бўлган III съездида ҳам “қулоқ хўжаликлари”ни орттирилган солиқлар воситасида сиқувга олиш” зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди [12.472].

Умуман, совет ҳукуматининг 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти даврида ўзбек қишлоғида олиб борган сиёсати, аввало, қишлоқда ижтимоий қатламлар ўртасида синфий зиддиятларни авж олдириш ҳамда ўзига тўқ хўжаликларни ҳар тарафлама чеклаш ва сиқиб чиқаришга қаратилди. Бу сиёсат турли кўриниш ва усулларда олиб борилди. Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш арафасида “қулоқ хўжаликлари”га нисбатан қўлланган сиёсат қатағон кўринишларини ола бошлаган эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том.- Т.: Фан, 1971.- 712 б.
2. Аминова Р.Х. Коллективизация: как это было? // Коммунист Узбекистана.- 1989.- № 9.- С.79
3. Малая Советская энциклопедия. 5-том.- М., 1959.- 571 с.
4. Советская историческая энциклопедия. 8-том.- М.: Советская энциклопедия, 1965. – 509 с
5. Ўзбек Совет энциклопедияси. 14-том.- Т., 1980.- 648 б
6. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг.- Т.: Фан, 1992.- 160 с.
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000.- 686 б
8. Данилов В. Коллективизация. // Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель.- М.: Политиздат, 1989.- 470 с.
9. КПСС в резолюциях и решениях съездов, конференций и пленумов ЦК. Т.4. - М.: Политиздат, 1970.- 582 с.
10. Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 42-варақ.
11. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане.- Т.: Госиздат, 1950.- 178 с
12. Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР.- М.: Политиздат, 1976.- 510 с.
13. Ўзбекистон ССР тарихи. 3-том.- Т.: Фан, 1971.- 712 б.

Андижон давлат университети,
2016 йил 12 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Абдуллаев)